
ВИТАЛИЙ ЛЕВЧЕНКО 2025 ЙИЛГА ҚАДАР “НЕФТЧИ” ДА ҚОЛАДИГАН БЎЛДИ

2022 йил июль ойидан “Нефтчи” жамоаси бош мураббийи бўлиб ишлаб келаётган Виталий Левченко 2025 йилга қадар “Нефтчи” да қоладиган бўлди. Бу борада мураббий билан келишувга эришилди.

2022 йилги мавсумда кетма кет мағлубиятлар билан Суперлига турнир жадвалида охириги ўринларга тушиб қолган “Нефтчи” ни қабул қилган Виталий Левченко, қисқа муддатда вазиятни ўнглаб, жамоа ўйинида ижобий ўзгаришлар қилишга эришди, 2022 йил Суперлига якуний жадвалида “Нефтчи” 9-ўринни қайд этди.

Жорий мавсум Суперлига биринчи даврасида ўтказилган 13 учрашувнинг 6 тасида ғалаба қозонган “Нефтчи”, 7 учрашувда дуранг ўйнаб, ушбу мавсумни мағлубиятсиз давом эттираётган ягона жамоа бўлиб турибди. 25 очко жамғарган Левченко шогирдлари, биринчи даврани учинчи ўринда яқунлашди.

УЕФА Про лицензиясига эга 51 ёшли Виталий Левченко тожик футболнинг тарбияланувчиси бўлсада, асосий футболчилик фаолияти Украинада (“Динамо” К, ЦСКА, “Таврия” жамоалари) ҳамда Россияда (“Волгарь”, “Динамо” Ст, “Спартак” (Кострома) ва “Урал” жамоалари) ўтган. Бир мавсум Хитойнинг “Чанчунь” клуби шарафини ҳам ҳимоя қилган. Тожикистон терма жамоасида 9 та ўйинда майдонга тушган.

2005 йилдан мураббийлик фаолияти билан шуғулланиб келади. Украинанинг “Княжа”, “Арсенал”, “Десна”, “Едність” жамоаларида, Украина ёшлар терма жамоасида мураббийлик қилган. Тожикистон терма жамоаси мураббийи, ёшлар терма жамоаси бош мураббийи сифатида фаолият юритган. Тожикистоннинг “Баркчи”, “Хўжанд” жамоаларида бош мураббий, Россиянинг “Крилья Советов” жамоасида мураббий бўлган. 2020-2022 йилларда Душанбенинг “Истиқлол” жамоасини бошқарган. 2021 йили ОФК Чемпионлар Лигасидаги дебют мавсумида гуруҳ баҳсларида биринчи ўринни эгаллаб, жамоасини 1/8 финалга олиб чиққан.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2023-07-20 09:47:40